

## **ФАМИЛИЯ, ИСМ ВА ОТА ИСМИНИ ЎЗГАРТИРИШ**

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартериш ҳақидаги аризалар ариза берувчи 16 ёшга тўлгач турар жойдаги ФХДЁ органи томонидан кўриб чиқилади.

Агар 16 ёшга тўлган шахс паспорт ёки паспорт ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи бошқа хужжат олгунга қадар фамилияси, исми, ота исмини ўзгартериш ҳақида ариза берса, унда аризага туғилганлик ҳақида гувохнома ва туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви нусхаси илова қилинади.

Фамилия, исм, ота исмини ўзгартериш тўғрисидаги аризалар:

агар фамилия, исм ва ота исм эшитилишда ёқимсиз бўлса;

агар фамилия, исм ва ота исми миллатига тўғри келмаса;

хоҳишга қараб никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда;

оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (агар никоҳ тузиш пайтида эрхотин умумий фамилияни танламаган бўлса);

ФХДЁ органи томонидан узрли деб топилган бошқа асосларга кўра кўриб чиқилади.

-Фамилия, исм, ота исмини ўзгартериш тўғрисидаги аризага қўйидагилар:

а) ариза берувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

б) агар ариза берувчи никоҳда турган бўлса, у ҳолда никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, агар никоҳдан ажратилган бўлса — никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

в) агар ариза берувчининг вояга етмаган болалари бўлса, у ҳолда болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари;

г) ариза берувчининг паспортидан ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатидан кўчирма;

д) агар ариза берувчи вояга етмаган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, у ҳолда ота-онасининг ёхуд васий ёки ҳомийнинг аризаси;

е) 1 дона (3 x 4 ўлчамли) фотосурат илова қилинади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартериш тўғрисидаги ариза 45 кун мобайнида кўриб чиқилиши керак.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартирганлик учун белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.